



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС
ИНСТИТУТИ**

Иқтисодиёт ва менежмент _____ факультети

Индустриал иқтисодиёт фанидан

КУРС ИШИ

**Мавзу: Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш жараёнларини
чуқурлаштириш шароитида холдинг компаниялари ва уларнинг
бозор иқтисодиётидаги ўрни**

ИК-316 гуруҳ талабаси

Бажарди: Ш.Жумаев

Текширди: З.К.Рахимов

Самарқанд – 2019

Режа:

| | |
|---|-----------|
| Кириш..... | 3 |
| 1. Холдинг компаниялари ва уларнинг аҳамияти..... | 5 |
| 2. Холдинг компанияларнинг бозор иқтисодиётидаги ўрни..... | 10 |
| 3. Холдинг корхоналари фаолиятининг таҳлили..... | 13 |
| 4. Холдинг компанияларини ривожлантиришнинг республика иқтисодиётидаги ўрни..... | 16 |
| 5. Холдинг компанияларида озиқ-овқат саноатини ривожлантириш..... | 18 |
| Хулоса ва таклифлар..... | 24 |
| Фойдаланилган адабиётлар рўйхати..... | 26 |

КИРИШ

Республикаимиз мустақилликга эришгандан сўнг кўп мулкчилик шаклларига ўтди. Бундан асосий кўзланган мақсад аҳоли турмуш даражасини ошириш, уларга шахсий мулкга эгаллик қилиш ҳуқуқини беришдан иборат эди.

Маълумки иқтисодий ривожлантиришда хусусий тадбиркорлик корхоналари томонидан олиб борилаётган фаолиятнинг ривожига катта аҳамият касб этади. Айнан ишлаб чиқариш тадбиркорлигини тадбиркорлик фаолиятининг асосий тури десак хато бўлмайди. Зеро, бундай тадбиркорлик фаолияти туфайли маҳсулот, товарлар ишлаб чиқарилади, хизмат кўрсатилади, маълум маънавий қадриятлар юзага келади.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки йилларида тижорат тадбиркорлиги яхши ривожланди. Тадбиркорлик фаолиятининг бу тури товар ва хизматларни сотиб олиш ҳамда сотиш жараёнларини амалга ошириш билан таърифланади, чунки бу соҳада қисқа вақтда даромад олиш мумкин. Агар ишлаб чиқариш корхона самарадорлигининг 10-12% ини ташкил этса, тижорат фаолияти эса бу кўрсаткични яна 20-30%га оширади.

Тадбиркорлик фаолияти турлари нисбатан мустақил бўлиб, бир-бирини тўлдириб келади. Тадбиркорлик фаолиятининг барча турларини белгилаб берувчи ишлаб чиқариш тадбиркорлигининг устуворлигини тан олиш керак.

Инновацион, илмий-техник фаолият, товарларни бевосита ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва шу соҳадаги ахборот билан ишлаш фаолияти ишлаб чиқариш тадбиркорлигига киради. Ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқчи бўлган ҳар бир ишбилармон тадбиркорлик фаолиятининг қайси тури билан шуғулланиши, қандай маҳсулот ишлаб чиқариши, қандай хизмат кўрсатишини олдиндан белгилаб олиши лозим. Шу иш амалга ошгандан кейин тадбиркор маркетинг билан шуғулланади. У товарга талабни билиш мақсадида товарнинг потенциал истеъмолчилари, харидорлари,

улгуржи ва чакана савдо билан шуғулланувчи ташкилотлар билан алоқа қилади.

Ишлаб чиқаришни тўғри йўлга қўйиш ва унинг устидан назоратни кучайтириш эвазига фойда олиш, яъни қимматбаҳо қоғозлар (акция, облигация)га эгалик қилиш орқали фойда олувчи корхоналарни ташкил этиш, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишни янада ривожлантириш, уларнинг фаолиятини яхшилашга қаратилган мулкчилик шакллари вужудга келтирилди.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълум бўлишича, холдинг компанияларнинг назорати остида фаолият юритаётган корхоналарнинг инқирозга ёки банкротликга учраш даражаси бошқа кўринишда фаолият юритаётган корхоналардан кўра пастроқ бўлади.

Республикамизда бундай турдаги корхоналарнинг йилдан йилга ривожланиб бораётгани мамлакат миллий иқтисодиётини янада ривожлантиришга имкон туғдирмоқда.

1. Холдинг компаниялари ва уларнинг аҳамияти

Ўз таркибидаги акциядорлик жамиятлари назорат пакетларини эгаллаш билан корпорациялар холдинг компанияларига айланади.

Холдинг ибораси инглизча «холдинг» сўзидан олинган бўлиб, эга маъносини беради. **Холдинг компания** мулк эгалари томонидан бир қанча мустақил акциядорлик жамиятлари фаолиятини назорат қилиш мақсадида ташкил этилган ҳиссадорлик жамиятидир. Холдинг компанияси таркибига кирувчи акциядорлик жамиятлари «акцияларининг назорат пакети» компаниянинг ихтиёрида бўлади. Бундан мақсад акциядорлик жамиятлари фаолиятлари устидан назорат ўрнатиш ва дивидендлар кўринишида фойда олишдир.

Акциядорлик жамияти очик ва ёпиқ турда бўлиши мумкин.

Очик турдаги акциядорлик жамияти акциядорлари ўзларига тегишли акцияларни бошқа акциядорларнинг розилигисиз эркин тасарруф эта оладиган жамият. У чиқарадиган акцияларига очик обуна ўтказиш ва уларни эркин сотиш ҳуқуқига эга. Таъсисчиларнинг энг кам сони ҳам чекланмаган. Очик турдаги АЖ учун устав фондининг энг кичик миқдори АЖ рўйхатидан ўтказилган санада қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи суммасининг икки юз баробари миқдорига тенг бўлиши керак.

Ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти акциялари номланган (эгаси ёзилган) ва улар фақат АЖ таъсисчилари ўртасида тақсимланган жамиятдир. Унинг акциялари қимматли қоғозлар бозорида муомалада бўлиши жамият Низомига биноан ман этилган ёки чекланган бўлади. Ёпиқ турдаги АЖ учун устав фондининг энг кам миқдори – АЖ рўйхатдан ўтказилган санада қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи суммасининг камида юз баробари миқдорига тенг бўлиши керак.

Очик турдаги АЖни бошқа турдаги жамиятларга айлантириш мумкин эмас. Ёпиқ турдаги АЖ эса ўз акцияларига очик обуна ўтказиш ёки уларни фонд бозорида сотиш учун чиқариш йўли билан очик турдаги АЖга

айланиши мумкин. Бошқа турдаги жамоа корхоналари ва ширкат хўжалиги ўз акцияларини чиқариш йўли билан иккала турдаги акциядорлик жамиятларга ҳам айлантирилиши мумкин.

Очиқ турдаги акциядорлик жамияти ҳар йили оммавий ахборот воситаларида:

- йиллик ҳисобот;
- бухгалтерлик баланси;
- фойдалар ва зарарлар счёти;
- жамият акциялари эмиссиялари проспекти;
- умумий мажлисни ўтказиш санаси ва жойини маълум қилиб туриши

шарт.

Акциядорлик жамиятини ташкил этиш учун қуйидагилар зарур:

- жамиятни ташкил этиш ва биргаликда фаолият юритиш ҳамда бир ёки бир неча шахсга жамиятни ташкил этиш учун ваколат бериш тўғрисида шартнома тузиш;

- акцияларга обуна ўтказиш;
- таъсис конференциясини ўтказиш;
- жамият ва унинг акцияларини давлат рўйхатидан ўтказиш

Жамиятни ташкил этишдаги харажатлар шартномага имзо чеккан шахсларга тақсимланади. Давлат мулкани хусусийлаштириш орқали қуйидаги усулларда АЖ ташкил этилиши мумкин:

- оддий йўл билан, яъни бунда фуқаролар ёпиқ ёки очиқ АЖ ларининг объектларини аукцион орқали ёки конкурс йўли билан сотиб олишади;

- давлат корхонаси меҳнат жамоаси томонидан ёпиқ АЖ ни ташкил этади ва маълум юридик шахс томонидан корхона сотиб олинади;

- давлат ёки ижара корхоналари очиқ АЖ ларига айлантирилади. Барча жамоа корхоналари учун қуйидаги умумий жиҳатлар мавжуд:

- низом капиталининг тегишли қисмлар ёки акцияларга мажбурий бўлиниши;

- жамиятнинг ўз мажбуриятлари ва фақат ўзининг мулки бўйича чекланган жавобгарлиги;

- акциядор (шерик)лар орасидаги ўзаро муносабатлар, даромад ва мулкни тақсимлаш, корхонани бошқариш бўйича муносабатлар уларнинг киритган улушлари миқдорига қараб тақсимланади;

- жамият аъзолари унинг капиталига ўз улушларини киритишлари зарур, аммо ўз меҳнатлари билан унинг фаолиятида иштирок этишлари мажбурий эмас.

Акциядорлик жамиятларини ташкил этиш жараёнлари «Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш», «Ҳиссадорлик жамиятлари», «Корхоналар тўғрисида», «Қимматли қоғозлар бозори ва фонд биржалари» тўғрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида бошқарилади.

Корпорация атамаси латинча «corporatio» сўзидан олинган бўлиб, бирлашма, ҳамжамият маъносини беради. Корпорация йирик акционер жамиятлар бирлашмаси ҳисобланиб, бир хил маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни бирлаштиради. Натижада ишлаб чиқариш монополлашади.

Корпорация инвестиция капиталининг марказлашувини, илм-фан тараққиётини, маҳсулотнинг рақобатбардош бўлиши ва узоқ ҳаётлий даврини таъминлайди. Корпорациялар тадбиркорлик билан шуғулланувчи акционер жамиятларининг хоҳиш-ихтиёри билан пайдо бўлади. Ҳар бир корхона фаолиятини юритиш учун ўз ҳолича турли вазифаларни, яъни:

- хомашё, материаллар, энергия, ускуна қидириб топиш, сотиб олиш ва технологик такомиллаштириш;

- маҳсулот сифатини ошириш ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотни янгилаш;

- тайёр маҳсулотни сотиш бўйича қатор ишларни бажариши лозим бўлади.

Бир хил маҳсулот ишлаб чиқарувчи бир қанча корхоналар бирлашиб, барча учун умумий корхоналар фаолиятини таъминловчи вазифаларни

базарадиган бир идора, муассаса тузишни режалаштирган. Натижада шундай бирлашма юзага келганки, унда корхоналар ўз мулки ва иқтисодий мустақиллигини сақлаган ҳолда умумий вазифаларни бажаришдан озод бўлиб, мазкур вазифаларни бажариш учун умумий идора-муассасага ҳақ тўланган.

Холдинг компанияларнинг моҳияти шундаки, улар бирор-бир ишлаб чиқариш вазифаларини бажармайди. Уларнинг вазифаси соф бошқарувчилик, яъни ишончли мулк эгаси сифатида уларга ўз акциялари ёки акциялар назорат пакетини берувчи компанияларнинг фаолиятига умумий хўжалик раҳбарлигини бажаришдан иборатдир. Ўзбекистан Республикасида холдинг компанияларнинг ҳуқуқий мақоми Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 12 октябрдаги 398-сонли қарори билан тасдиқланган Низом (холдинглар тўғрисидаги Низом) асосида белгиланади. Бу Низомга мувофиқ, активлари таркибига бошқа корхоналарнинг акциялар назорат пакети кирувчи очик турдаги акциядорлик жамияти холдинг ҳисобланади.

Холдинг бирлашган корхоналар, яъни холдинг активлари таркибига кирувчи, акциялар пакетини назорат қилувчи корхоналар шуъба корхоналар деб аталади. Улар мустақил юридик шахс ҳисобланади. Шуъба корхона, кўпинча, корхонанинг ривожланиб бориши давомида бош корхона (холдинг компанияси) томонидан ташкил этилади.

Холдинглар давлатга қарашли ёки хусусий бўлиши мумкин. Давлат холдингида акциялар назорат пакети давлат мулкига, шуъба корхоналар акциялари эса бош холдинг компаниясининг мулкига айланади. Шуъба корхоналар ўз мажбуриятлари бўйича ўзларига тегишли мулк, шу жумладан, асосий корхона, яъни холдингга тегишли акциялар назорат пакетининг қиймати билан ҳам жавоб беради.

Холдинг шуъба корхона қарзи бўйича унинг таъсис шартномасида айтилган шартларда жавобгар бўлади.

Холдинг компаниялари икки турда бўлиши мумкин:

- молиявий холдинг;

- аралаш холдинг.

Молиявий холдинг фақат махсус назорат ва бошқарув мақсадларида тузилади. Сармоясининг 50 фоизидан кўпини бошқа эмитентларнинг қимматли қоғозлари ва бошқа молиявий активлар ташкил этадиган холдинг молиявий холдинг ҳисобланади. Молиявий холдинглар активлари таркибига фақат қимматли қоғозлар ва бошқа молиявий активлар, шунингдек холдингни бошқариш аппарати фаолиятини таъминлаш учун бевосита зарур мол-мулк кириши мумкин.

Молиявий холдинглар фақат инвестиция фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга, фаолиятининг бошқа турлари билан шуғулланишга рухсат берилмайди. Улар шуъба корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятларига аралаштириш ҳуқуқига эга эмас. Молиявий холдинг вакиллари фақат шуъба корхоналарнинг акциядорлари йиғилишларида қатнашиши мумкин. Уларга кузатув кенгаши, бошқарув ва шуъба корхоналарини бошқарадиган бошқа органларга киришга рухсат берилмайди.

Молиявий холдинглар тегишли акциялар билан фақат ташкил қилинган қимматли қоғозлар бозорида, яъни фонд биржаларида битимларни амалга оширади. Бу талабни бажармаслик амалга оширилган битимларнинг бекор қилинишига сабаб бўлади.

Аралаш холдинг – назорат ва бошқарув вазифалари билан бир қаторда саноат, савдо, транспорт, кредит-молия ва бошқа соҳаларда тадбиркорлик фаолияти билан ҳам шуғулланиш мақсадларида тузилади.

Ўзбекистан Республикаси қонунчилигига биноан холдинг компаниялари қуйидаги йўллар билан ташкил этилади:

- йирик корхоналарни қайта ташкил қилишда уларнинг таркибий бўлинмаларини мустақил юридик шахс (шуъба корхоналар) сифатида бунёд этиш йўли билан;

- юридик жиҳатдан мустақил корхоналарнинг акция пакетларини бирлаштириш йўли билан;

- янги акциядорлик жамиятларини таъсис этиш йўли билан.

Холдинглар монополияга қарши органнинг рухсати билан ташкил этилади. Холдингни ташкил этишга рухсат олиш учун монополияга қарши органга бошқа ҳужжатлар билан бирга:

- низом лойиҳаси;
- холдингни тузишга хоҳиш ҳақида баённома ёки таъсисчилар шартномаси;
- тузиладиган холдингга киритиш учун тавсия этилаётган корхоналар рўйхати;
- шу корхоналардан ҳар қайсисининг хўжалик фаолияти турлари ва ҳажми ҳақидаги маълумотлар топширилади.

Агар холдингни тузиш бирор-бир маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш монополиясига олиб келадиган бўлса, бундай холдингни тузишга рухсат берилмайди.

2. Холдинг компанияларнинг бозор иқтисодиётидаги ўрни

Бугунги бозор шароитида ҳар бир тадбиркор учун хавф-хатарни камайтириш катта аҳамият касб этмоқда. Ҳар бир ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналар ўз фаолиятларига катта вақт ажратиб туришади. Тадбиркор ўз вақтининг 90 фоизи миқдорида бозор шароитидаги талаб ва таклиф даражасини ўрганиш учун сарфлайди.

Бозорнинг тез суръатларда ривожланиши билан бирга уларда рақобат муҳити ҳам шунчалик тез муръатлар билан ривожланади. Тадбиркорлик хавф-хатарини камайтиришнинг бир қулай имконини яратиш мақсадида мамлакатимизда холдинг компанияларнинг ташкиллаштирилиши жуда қулайдир. Чунки, холдинг компанияси кўринишидаги фаолият билан шуғулланиб келаётган тадбиркорлар ишлаб чиқарадиган товар тури ва хизмат кўрсатадиган фаолият юзасидан бир бири билан боғлиқ бўлишади. Бозор шароитида бундай корхоналарнинг келишиб ишлаши ва ягона бир тармоқ сифатида ҳаракатланиши истеъмолчи учун қулайликлар яратади ва

тадбиркорлик фаолияти учун хавф-хатарни камайтириш имконини беради. Бунда, ягона бир ном (бренд) остида фаолият олиб бораётган холдинг компаниялар товарларининг маълум бир хуудларда сотилаётган товарларининг нархлари бир хилда бўлиши таъминланади. Унда қулайлик шундай иборатки, бозордаги рақобатчилар турдош бўлган товарларни ишлаб чиқариш учун катта харажат қилишлари мумкин аммо бозорда холдинг компаниянинг товарларига ўхшаш бир хилликда ушбу товраларни сота олиш имкони бўлмайди.

Ҳозирда холдинг компаниялари ўз товарлари ва хизмат кўрсатишларини бир бири билан мос равишда олиб бормоқдалар. Айнан, бернд номи билан танилган холдинг компанияларнинг торварларга гаров муддатларининг кўп миқдорда бўлиши, носоз бўлган техника воситаларини таъмирлаш хизматларини текин ёки арзон ва сифатли таъмирлаб бериш хизматлари ҳам кўрсатилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида турли хил йирик фаолият турлари бўйича холдинг компаниялари ташкил этилган бўлиб фаолият юритиб келмоқдалар. Буларга мисол: - Озиқ овқат саноати, қишлоқ хўжалиги, саноат корхоналари ва хизмат кўрсатиш корхоналарида кўришимиз мумкин.

Холдинг корхоналарининг ташкил этилиши билан бирга давлат олдида муҳим бир масала уйғониши таабий. Холдинг компанияларнинг фаолиятидан тажрибалар кўрсатадики, холдинг асосида ташкил этилган компанияларнинг кўплари монополия вужудга келишига олиб келиши мумкин. Бунда, бундай турдаги холдинг компанияларнинг очишга давлат аралашуви билан руҳсат берилмайди.

Холдинг компанияларнинг ташкил этилиши монополистик фаолиятини юзага келишининг хавфи бўлмаганидагина руҳсат берилади. Албатта, айрим турдаги фаолиятларни давлат томонидан қўллаб қувватлаш учун руҳсат берилиши мумкин. Бунда, корхоналарнинг ягона бир тармоқ сифатида фаолият юритиши учун шароит яратилади. Уларнинг хизматлари

ва товарлари мамлакат ҳудудида бўйича барча жойларда белгиланган нархлардан ошиб кетмаслиги ва тушиб кетмаслиги белгилаб берилади. Кўп ҳолларда бундай турдаги товар ва хизматлар истеъмол учун бирламчи бўлмаган товарларга ҳосдир.

Тадбиркорлик фаолияти турлари нисбатан мустақил бўлиб, бир-бирини тўлдириб келади. Тадбиркорлик фаолиятининг барча турларини белгилаб берувчи ишлаб чиқариш тадбиркорлигининг устуворлигини тан олиш керак.

Инновацион, илмий-техник фаолият, товарларни бевосита ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва шу соҳадаги ахборот билан ишлаш фаолияти ишлаб чиқариш тадбиркорлигига киради. Ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқчи бўлган ҳар бир ишбилармон тадбиркорлик фаолиятининг қайси тури билан шуғулланиши, қандай маҳсулот ишлаб чиқариши, қандай хизмат кўрсатишини олдиндан белгилаб олиши лозим. Шу иш амалга ошгандан кейин тадбиркор маркетинг билан шуғулланади. У товарга талабни билиш мақсадида товарнинг потенциал истеъмолчилари, харидорлари, улгуржи ва чакана савдо билан шуғулланувчи ташкилотлар билан алоқа қилади.

Музокаралар ишбилармон ва бўлажак харидорлар ўртасида шартнома тузилиши билан яқунланади. Тузилган шартнома тадбиркорликдаги таваккалчиликнинг олдини олиш имконини беради. Шу ишлар амалга ошмаса, тадбиркор фақат оғзаки ваъдалар асосида ишлаб чиқариш фаолиятини бошлайди. Барқарор бозор шароитида ривожланган мамлакатларда оғзаки келишувлар ишончли кафолат бўлиб, зарур ҳолларда шартнома, битим шаклида расмийлаштирилади. Бироқ мамлакатимизда бозор иқтисодиёти энди шаклланаётган даврда оғзаки битимларнинг кафолати паст ва таваккалчилик кучлидир.

Тадбиркорлар эркинлигини таъминлаш мақсадида холдинг компанияларининг фаолиятини назорат қилиш ва уларнинг фаолиятини доимо тартибга солиб туришни тақозо этмоқда. Айрим иқтисодий ривожланган мамлакатларда холдинг корхоналарни очиш учун катта эътибор

каратилмоқда. Чунки, холдинг компанияларнинг фаолиятини ташкиллаштирилиши билан улар томонидан ишлаб чиқарилаётган товар ва кўрсатилаётган хизматларининг нархлари бозордаги бошқа рақобатчилар муҳитига катта таъсир кўрсатмаслиги керак. Янги очилаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг фаолияти учун холдинг компаниялари катта хавф-хатар уйғотади, шунинг учун ҳам кичик корхоналар бозорларни ўрганиш давомида улар албатта бозорда рақобатчиларни ўрганишади ва холдинг компаниялардан чучиб туриш ҳолатлари юзага келади.

3.Холдинг корхоналари фаолиятининг таҳлили

Маълумки республикамізда айрим фаолият турлари бўйича йирик корхоналар фаолият юритиб келмоқдалар. Буларнинг бири “Ўзвиносаноат-холдинг” компанияси корхоналари бўлиб ҳисобланади.

2016-йилнинг биринчи чорагида “Ўзвиносаноат-холдинг” компанияси корхоналари томонидан 335 млрд. 209 млн. сўмлик саноат маҳсулотлари, 250 млрд. 844 млн. сўмлик халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқарилди, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан мос равишда 103,1 ва 105,9 фоизни ташкил этди.

“Ўзвиносаноат-холдинг” компаниясида 2016 йилнинг 21 апрель куни компания тизимидаги корхоналарнинг 2016-йил 1-чорагида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва I-ярим йиллик вазифалари тўғрисида тўғрисида бошқарувнинг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

Шу даврда соҳада 6 млн. 238 минг литр узум виноси, ўсиш суръати 80,4 фоизни, 14 млн. 928 минг (абсолют алкоголь) литр ароқ ва ликёр-ароқ маҳсулотлари ёки 107,2 фоизни, 238,5 минг (абсолют алкоголь) литр коньяк ёки 107,9 фоизни, 297,8 минг литр шампан виноси ёки 102,0 фоизни ва 17 млн. 128 минг литр спирт ишлаб чиқарилди ёки ўсиш суръати 101,9 фоизни ташкил этди.

2016-йил 1-чорагида барча модернизация ва қайта жиҳозлаш, шунингдек, ҳудудий дастурлар доирасида 10,4 млрд. сўмлик ёки 3,7 млн. АҚШ долларлик инвестиция маблағлари ўзлаштирилди ёки белгиланган прогноз 100% га бажарилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014-йил 4-февралдаги ПҚ-2120 сонли қарорига асосан 1-чорагида “Асл Ойна” АЖ томонидан 9 млрд. 389 млн. сўмлик 27,0 млн. дона шиша идишлар ишлаб чиқарилди ва белгиланган прогноз кўрсаткичи 100% га бажарилди. Экспортга 401,8 минг АҚШ долларлик шиша идишлар жўнатилди.

Компания корхоналари томонидан жорий йилнинг 1-чорагида экспортга жами 3 млн. 730,6 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулот жўнатилди ёки белгиланган прогноз кўрсаткичи 129,0 фоизга бажарилди. Жумладан 1-чорада ушбу корхоналар томонидан 716,4 минг долларлик вино хомашёси, 1 млн 9,4 минг долларлик коньяк спирти, 315,7 минг долларлик вино-ароқ ва коньяк маҳсулотлари, 666,0 минг долларлик узум концентрати ҳамда 617,1 минг долларлик турли ҳажмдаги шиша идишлар экспортга жўнатилди.

Тизимдаги “Шаробсавдо” базалари томонидан жорий йилнинг январь-март ойларида товар айланмаси прогноз кўрсаткичлари 117,5 фоизга ёки 479 млрд. 273,7 млн. сўмга бажарилди.

Компания тизимидаги корхоналар томонидан 2016-йилнинг 1-чораги якунлари бўйича жами давлат бюджетига тўловлари 254,0 млрд. сўмни ташкил қилди, шу жумладан 152,0 млрд. сўмлик акциз солиғи тўланди ва топшириққа нисбатан 101,6 фоизни ташкил этди.

2017 йилнинг январь-март ойлари давомида “Ўзвиносаноат-холдинг” корхоналари томонидан 396,1 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди, бу эса 2016 йилнинг мазкур даврига нисбатан 4,3 фоизга кўпдир.

2017 йилнинг биринчи чорагида умумий ҳажми 296,2 млрд. сўмлик халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарилди, бу эса 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 6 фоизга кўпдир.

2017 йилнинг январь-март ойлари давомида “Ўзвиносаноат-холдинг” корхоналари томонидан умумий қиймати 5,361 млн. АҚШ долларлик маҳсулотлар экспортга жўнатилди.¹

“Ўзбекозиқовқатхолдинг” холдинг компанияси озиқ-овқат саноати тармоғида 2016 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлардан келиб чиқадиган вазифаларни жорий йилнинг 9 ойлигида амалга ошириш яқунларига кўра иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатлари таъминланган.

усусан, компания таркибига кирувчи корхоналарда ўтган йилнинг мос даврига нисбатан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати 108,1 фоизни ташкил этиб, қандолат маҳсулотлари (147,9 фоиз), мева-сабзавот консервалари (131,7 фоиз) ҳамда сут ва сут маҳсулотлари (120,3 фоиз) ишлаб чиқаришда юқори ўсиш суръатларига эришилди.

Тармоқ корхоналари томонидан амалга оширилган экспорт ҳажми прогнозга нисбатан 140 фоизни, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан эса 169 фоизни ташкил этиб, 75 фоизи мева-сабзавот консервалари, 9 фоизи тамаки маҳсулотлари, 2 фоизи қандолат ва 14 фоизи бошқа маҳсулот турларига тўғри келди.

Мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилишнинг янги тизими жорий этилганлиги натижасида ўтган йилнинг 9 ойлигига нисбатан экспорт қилинган мева-сабзавот маҳсулотлари миқдори 141 фоизга кўпайди.

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш борасида Давлат инвестиция дастури доирасида прогнозга нисбатан 101 фоиз маблағ ўзлаштирилган ҳолда, шундан 55 фоизини корхоналарнинг ўз маблағлари, 35 фоизини банк кредитлари ва 10 фоизини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил этди.

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида прогнозга нисбатан 123 фоиз маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, жумладан 38 фоизини гўшт-сут, 34 фоизини натрий сульфат ва 28 фоизини қандолат маҳсулотлари ташкил қилди.

¹ <http://www.uzdaily.uz/uz/post/2454>

Шу билан бирга, ҳисобот даврида йўл қўйилган айрим камчиликлар юзасидан мутасадди раҳбар ва ходимларнинг ҳисоботлари тингланиб, танқидий таҳлил қилинди.²

Ўз фаолияти доирасида «Ўзагроэкспорт» мева-сабзавот маҳсулотларининг жаҳон ва минтақавий бозорлари конъюнктураларини маркетинг жиҳатидан тадқиқ қилади, маҳаллий маҳсулотларни экспорт учун илгари суради ва янги бозорларни қидиради.

4. Холдинг компанияларини ривожлантиришнинг республикадаги ўрни

Мамлакат иқтисодиётида холдинг компанияларини ташкил этиш ва улар фаолиятини тубдан ислоҳ этиш бўйича республикамизда кўп қиррали ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 1995 йил 12-актябрь куни Бозор қайта ўзгартириш жараёнларини янада ривожлантириш ҳамда корхоналар ва ташкилотларни шунга монанд бошқаришни ва уларнинг фаолият кўрсатишини, республика иқтисодиётининг турли секторларида иқтисодий интеграцияни, шунингдек инвестиция фаолиятини ривожлантиришни таъминловчи замонавий тузилмаларни ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси томонидан “Холдинглар тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида” қарор қабул қилинган эди. Ушбу Низом «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида», «Рақобат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ холдинглар ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши тартибini белгилайди.³

2012 йилда ушбу қарорга ўзгартириш киритилди. 18-февраль 2016 йилда Республикамиз биринчи Президенти И.Каримов томонидан 2492-сонли қарори билан ўзгартириш киритилди.

²<https://oziq-ovqat.uz/>

³ <http://lex.uz/docs/431159?ONDATE=23.01.2018>

Юқоридагилардан келиб чиқиб, холдинг компаниялар фаолиятини янада ривожлантиришга республикамизда катта эътибор берилиб келинмоқда. Бундай корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган товарларни чет эл мамлакатларига экспортини таъминлаш ва уларни назорат қилиш бошқа турдаги корхоналарга нисбатан осонроқ бўлади.

Республикамизда ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат маҳсулотларини чет элга экспортини таъминлаш орқали мамлакатимизга чет эл валютасининг кириб келиши, миллий маҳсулотнинг жаҳон бозорларида сотилишини таъминлашга эришиш мумкин.

Бугунги кунда миллий маҳсулотни жаҳон бозорларда рақобатбардошлигини таъминлаш учун катта эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун ишлаб чиқарувчилар ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатига эътиборини қаратибгина эмас, балки унинг жаҳон бозорларида арзон маҳсулот сифатида ҳам сотишга эришишларини таъминлаш зарур. Чунки, истеъмолчилар талабидан келиб чиқиб, биринчи навбатда сифат кўрсаткичи ва иккинчи навбатда товарнинг нархи туради. Айнан ушбу критерияларнинг мужассамлигини таъминланишига эришиш учун холдинг компанияларнинг роли катта бўлади.

Ривожланаётган мамлакатларда холдинг корхоналарини такомиллаштиришга эътиборнинг юқорилиги уларнинг жаҳон бозорларига рақобатбардош товар ва хизматларини олиб чиқишларидан кўриш мумкин. Айнан юқорида қайд этилган критериялардан келиб чиқиб уларнинг рақобатбардош товар ва хизматларни кўрсатишлари учун шароит яратиб берилган. Аммо, уларнинг миллий иқтисодиётидаги, яъни мамлакат ички бозорларидаги фаолиятини давлат томонидан назорати қаттиқ бўлиб, айрим товар ва хизматларнинг жаҳон бозорлардаги нархлари билан миллий бозорлардаги нархлари ўртасидаги фарқ катта бўлиши мумкин.

Ўзбекистонда аралаш иқтисодиётга асосланган бозор муносабатларининг шаклланиши, турли корхоналарнинг – йирик ва кичик

корхоналарнинг, шунингдек, ходимлар сони кам бўлган микрофирмаларнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Корхоналарнинг катта-кичиклиги (тури), табиий равишда, бошқарув аппаратининг шаклланиши ва ташкилий тузилмасига сезиларли равишда таъсир кўрсатади. Масалан, кичик корхоналар учун йирик корхоналарнинг бошқарув тузилмасини қўллаш ноўрин бўлади. Кичик бизнес субъектлари бошқарув аппарати тузилмасининг соддароқ ва оптимал тарзда бўлишлиги мақсадга мувофиқдир. Чунки, уларда йирик корхоналарга хос бўлган катта функционал бўлим ва хизматлар мавжуд бўлмайди.

Корхоналар бошқарув шакли, усули ва тузилмасини ўзлари мустақил равишда танлайдилар. Уларнинг айримларида, жумладан, акциядорлик жамиятларида жамоа аъзолари ишлаб чиқариш ва ташкилий тузилмани бошқаришда иштирок этади.

5. Холдинг компанияларида озиқ-овқат саноатини ривожлантириш

Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки йилларидан ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат куриш, барча соҳаларда кенг қўламли изчил ислоҳотларни амалга ошириш бўйича ўзининг тадрижий тараққиёт йўлини танлади. Бунда аҳолини тўғри овқатланиш меъёрларига мос, юқори сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланди. Шу муносабат билан фермер хўжалиklarини ривожлантириш асосида иқтисодий ислоҳотларни кучайтириш, қишлоқда ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш, бошқарувнинг бозор тамойилларига мос ташкилий тузилмасини жорий этиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг мустақиллигини кенгайтириш ва уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга доир чора-тадбирлар амалга оширилди.

Давлатимиз раҳбарининг 1991 йил 29 ноябрда қабул қилинган “Республикада деҳқон (фермер) хўжаликларини янада мустаҳкамлаш ва тадбиркорлик фаолиятини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги фармони мамлакатимизда фермерлик ҳаракатини ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қилди. Бу борада қабул қилинган Ер кодекси, “Фермер хўжалиги тўғрисида”, “Деҳқон хўжалиги тўғрисида” ва “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунлар фермерликни ривожлантириш, уларнинг иқтисодий ҳамда молиявий мустақиллигини таъминлаш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратди.

Бундан ташқари, ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш, фермер хўжаликлари самарадорлиги ва рентабеллигини изчил оширишни таъминлайдиган моддий-техник базани мустаҳкамлаш, ер майдонларини оптималлаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Айни пайтда қишлоқларда фермер хўжаликларига кенг турдаги хизматлар кўрсатадиган замонавий ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси шакллантирилмоқда.

Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги тармоғини ислоҳ этишнинг мантиқий давоми бўлди. Мазкур ҳужжат фермер хўжаликларининг самарадорлигини ошириш, ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, ер-сув ресурслари ва яратилган ишлаб чиқариш салоҳиятидан унумли фойдаланиш, қишлоқни жадал ривожлантириш ва ободонлаштириш, аҳоли бандлиги ҳамда фаровонлигини таъминлашда уларнинг ролини кучайтириш имконини бермоқда. Фармонга мувофиқ, ташкил қилинган Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, вилоятлар ва туманлар фермерлар кенгашлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари, тайёрлов, таъминот ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан муносабатларда, шунингдек, судларда иш

кўриб чиқилаётганда фермер хўжалиklarининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилмоқда.

Чунончи, Ўзбекистонда 1990 йилда аҳолининг озиқ-овқат, асосан гўшт, сут ва қандолатчилик маҳсулотларига эҳтиёжи импорт ҳисобига қондирилган бўлса, унда бугунги кунда аҳолининг ушбу маҳсулотларга эҳтиёжи 96 фоизга республикада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳисобига қондирилмоқда.

Айни пайтда Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси бир ой ичида 40 турдаги озиқ-овқат маҳсулоти сотиб олиши мумкин ва бунга ўртача иш ҳақининг 40 фоизини сарфлайди.

Бугунги кунда озиқ-овқат ишлаб чиқарувчи корхоналар олдида ишлаб чиқариш сифатини ошириш ва уни бошқаришнинг янги стандартлари, замонавий технологияларни жорий этиш масаласи қўйилган. Уларнинг жорий этилиши истиқболда корхоналар қувватини янги даражага кўтариш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш ва турини кенгайтириш имконини беради. Бундан ташқари, корхоналарни янги қоидалар бўйича сертификатлашга тайёрлаш, ходимларни қайта ўқитиш, махсус таъмирлаш гуруҳлари ташкил қилиш ва бошқа масалалар катта аҳамият касб этаётир.

Шу мақсадда фаолияти тугатилаётган Ўзбекистон озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси негизда “Ўзозиковқатсаноатхолдинг” холдинг компанияси ташкил этилди.

Ўзбекистон Президентининг 2016 йил 18 февралдаги Қарорига кўра, холдинг таркибига озиқ-овқат, ёғ-мой ва гўшт-сут маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи акциядорлик жамияти ва масъулияти чекланган жамият шаклидаги 176 та корхона киради. Холдинг устав капитали тугатилаётган уюшма таркибига кирган корхоналарнинг устав жамғармаларидаги давлат акциялари пакетини баланс қиймати бўйича берилиши ҳисобига шакллантирилади.

Қарорга кўра, янги холдинг компанияси таркибига аъзо сифатида кўнгилли тарзда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар кириши мумкин.

Холдинг негизида озиқ-овқат саноати корхоналарини ривожлантириш, реконструкция ва модернизациялаш жамғармаси яратилади.

2015-2019 йилларда озиқ-овқат саноатида 391 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш, камида 1 миллион 300 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ҳажмига эга бўлган 2 мингдан ортиқ замонавий совутиш камераларини қуриш, сақлаш жойларининг умумий ҳажмини 2 миллион тоннагача етказиш назарда тутилмоқда.

Кўрсатиб ўтилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида 2015-2019 йилларда озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш ва озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий турлари билан республиканинг ўзини-ўзи таъминлаши, шунингдек, ташқи бозорларда талаб юқори бўлган ушбу маҳсулотлар экспортини сезиларли ошириш таъминланади.

Шунингдек, “2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш чора-тадбирлари” Дастурида 2016 йилдан бошлаб Ўзбекистонда қурилган озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрсатиб ўтилган [5].

Дастурга биноан назарда тутилган прогнозларга кўра, 2016 йилда 180 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилса, 2019 йилга келиб бу кўрсаткич 2300 тоннагача етади.

Умуман олганда, истиқлол йилларида мамлакатимизда ички истеъмол бозори ва аҳолини, айниқса, қиш-баҳор мавсумида мева-сабзавот маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш, уларни экспорт қилиш кўламини кенгайтиришга доир кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди, жумладан, чекка туманлардаги савдо тармоқларини ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат товарлари билан узлуксиз таъминлашга ҳам катта эътибор берилди.

Сўнги йилларда озиқ-овқат саноатини ривожлантиришга ижобий таъсир этган омиллар қуйидагилардир:

– сифат менежментининг халқаро андозалари асосида жаҳон озиқ-овқат маҳсулотлари бозорида миллий бозор улушини ошириш;

– замонавий агротехнологияларни жалб қилиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш борасида халқаро молия институтлари ва инвесторлар билан ҳамкорлик қилишни ривожлантириш;

– мева-сабзавот экинлари ва узум ҳосилдорлигини ошириш, инфратузилма ва логистика тизимларини такомиллаштириш;

– озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, соҳага хорижий инвестицияларни жалб қилиш, юқори технологияли ускуналарни жорий этиш, экспорт салоҳиятини оширишга оид зарур қўшимча чоралар кўриш ва бошқалар.

Ўзбекистонда ҳаётга татбиқ этилаётган иқтисодий ислоҳотлар, озиқ-овқат хавфсизлигини, чунончи, қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ этиш ва озиқ-овқат саноатини ривожлантириш ҳисобидан таъминлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларни қуйидаги йўналишларда изчил давом эттириш мақсадга мувофиқдир:

– озиқ-овқат маҳсулотларини жаҳон бозори талаблари даражасида тайёрлаш учун корхоналарга замонавий технологиялар, сифатни бошқаришнинг янги стандартларни жорий этиш;

– савдо логистика марказлари ташкил этиш;

– ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлар, идишлар, қадоқлаш материаллари ишлаб чиқарувчи янги корхоналар ташкил этиш;

– озиқ-овқат маҳсулотларини вакуум усулида халқаро талаблар даражасидаги шиша идишларда қадоқлаш усулини кенгайтириш ва бошқалар.

Бу, ўз навбатида, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг узвий қисми сифатида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, улкан ишлаб чиқариш салоҳиятига эга агросаноат комплексини жадал ривожлантириш учун барча зарур шароитлар яратиш ва шу тариқа мамлакатимиз фаровонлиги ҳамда барқарорлигининг кафолати бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг озиқ-овқат соҳасидаги ислоҳотлари Халқаро жамоатчилик томонидан ҳам кенг эътироф этилмоқда. Жумладан, БМТ Озиқ-

овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO)нинг 39-сессияси доирасида 2015 йилда Ўзбекистон Мингйиллик ривожланиш дастури бўйича ютуқлари (озиқ-овқат соҳасидаги омилкорлиги) учун мукофотланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Британиянинг “Economist” журнали томонидан 2015 йил натижаларига кўра тузилган янги озиқ-овқат хавфсизлиги даражаси рейтингида 9 поғонага кўтарилди [2]. Бу рейтингга ҳаммаси бўлиб 109 давлат киритилган. Ўзбекистон рейтингдан 64-ўрин эгаллаб, ўтган йилги натижасини 9 пунктга яхшилади.

Озиқ-овқат хавфсизлиги индекси (The Global Food Security Index) Британиянинг “The Economist Intelligence Unit” таҳлилий компанияси томонидан АҚШнинг “Duron” трансмиллий компанияси кўмагида чиқарилади. Тадқиқотлар 2012 йилдан бери олиб борилади. Бугунги кунда бу индекс ўзидан турли давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлиги ҳолати кўрсаткичларининг энг тўлиқ шаклини намоён қилади.

Барча давлатлар учта категория бўйича баҳоланади: озиқ-овқат билан таъминланганлик ва истеъмоли даражаси, уларнинг мавжудлиги ва етарлилиги, озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлик даражаси. Бу мезонлардан ҳар бири 28 та турли кўрсаткични ўз ичига олиб, уларнинг қиймати икки йиллик давр давомида ўлчанган.

Маълумотларга кўра, Ўзбекистон санаб ўтилган мезонлар ичида “етарлилик” бўйича энг кўп балл олган. Тадқиқотчилар маълумотларига кўра, Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотлари шунчалик кўпки, ҳар бир фуқаро кунига 39 килокалориядан истеъмол қилиш мумкин.

Хулоса ва таклифлар

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки йилларида тижорат тадбиркорлиги яхши ривожланди. Тадбиркорлик фаолиятининг бу тури товар ва хизматларни сотиб олиш ҳамда сотиш жараёнларини амалга ошириш билан таърифланади, чунки бу соҳада қисқа вақтда даромад олиш мумкин. Агар ишлаб чиқариш корхона самарадорлигининг 10-12% ини ташкил этса, тижорат фаолияти эса бу кўрсаткични яна 20-30%га оширади.

Тадбиркорлик фаолияти турлари нисбатан мустақил бўлиб, бир-бирини тўлдириб келади. Тадбиркорлик фаолиятининг барча турларини белгилаб берувчи ишлаб чиқариш тадбиркорлигининг устуворлигини тан олиш керак.

Республикада ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат маҳсулотларини чет элга экспортини таъминлаш орқали мамлакатимизга чет эл валютасининг кириб келиши, миллий маҳсулотнинг жаҳон бозорларида сотилишини таъминлашга эришиш мумкин.

Бугунги кунда миллий маҳсулотни жаҳон бозорларда рақобатбардошлигини таъминлаш учун катта эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун ишлаб чиқарувчилар ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатига эътиборини қаратибгина эмас, балки унинг жаҳон бозорларида арзон маҳсулот сифатида ҳам сотишга эришишларини таъминлаш зарур. Чунки, истеъмолчилар талабидан келиб чиқиб, биринчи навбатда сифат кўрсаткичи ва иккинчи навбатда товарнинг нархи туради. Айнан ушбу критерияларнинг мужассамлигини таъминланишига эришиш учун холдинг компанияларнинг роли катта бўлади.

2016-йилнинг биринчи чорагида “Ўзвиносаноат-холдинг” компанияси корхоналари томонидан 335 млрд. 209 млн. сўмлик саноат маҳсулотлари, 250 млрд. 844 млн. сўмлик халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқарилди, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан мос равишда 103,1 ва 105,9 фоизни ташкил этди.

Юқорида келтириб ўтилганларидан келиб чиқиб, қуйидаги таклифларни бериш мумкин:

- холдинг компанияларни ташкил этиш бўйича кенг фойдаланиш;
- холдинг компанияларни ташкил этишда чет эл мамлакатлари тажрибасидан кенг фойдаланиш;
- холдинг компанияларнинг фаолиятини назорат қилиш ва уларда ишлаб чиқарилаётган товар ва кўрсатилаётган хизматларни жаҳон бозорларига олиб чиқишдан олдин сифат ва нархларини назорат қилиш;
- озиқ-овқат маҳсулотларини жаҳон бозори талаблари даражасида тайёрлаш учун корхоналарга замонавий технологиялар, сифатни бошқаришнинг янги стандартларни жорий этиш;
- савдо логистика марказлари ташкил этиш;
- ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлар, идишлар, қадоқлаш материаллари ишлаб чиқарувчи янги корхоналар ташкил этиш;
- озиқ-овқат маҳсулотларини вакуум усулида халқаро талаблар даражасидаги шиша идишларда қадоқлаш усулини кенгайтириш ва бошқалар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: – Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги 1991 йил 19 ноябрдаги Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги 1993 йил 6 майдаги Қонуни.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги 2000 йил 25 майдаги Қонуни.
5. Шавқиев Э., Нормуродов У., Артиков З., Хазратов А. “Корхона иқтисодиёти” фанидан маърузалар курси I-II-қисм. Самарқанд – 2016 йил.
6. Йўлдошев Н. Савдо корхонаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. - Т.: ТДИУ. 2005.
7. Солиев А., Бузрукхонов С. Маркетинг. Дарслик. - Т.: “Иқтисод-молия”, 2010.
8. <https://stat.uz/uz/> – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасининг расмий сайти.
9. <http://www.lex.uz/> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
10. <http://ziyonet.uz/> – Таълим портали.
11. <http://samarkand.uz> – Самарқанд вилояти ҳокимлиги расмий веб-сайти.
12. <https://www.norma.uz/>